



ISSN 2181-9599

Doi Journal 10.26739/2181-9599

# ЎТМИШГА НАЗАР

3 ЖИЛД, 10 СОН

# ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

ТОМ 3, НОМЕР 10

# LOOK TO THE PAST

VOLUME 3, ISSUE 10



ТОШКЕНТ-2020

**Бош мухаррир:**  
**Главный редактор:**  
**Chief Editor:**

**Муртазаева Рахбар Хамидовна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Бош мухаррир ўринбосари:**  
**Заместитель главного редактора:**  
**Deputy Chief Editor:**

**Джураева Нилуфар Далибаевна**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

**«Ўтмишга назар» илмий журнали тахририй маслаҳат кенгаши**  
**редакционный совет научного журнала «Взгляд в прошлое»**  
**Editorial board of the scientific journal Looking into the past**

**Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич**  
тарих фанлари доктори,  
профессор, академик,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Бобожонова Дилором Бобожонова**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон жаҳон  
тиллари университети

**Зияева Доно Хамидовна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
ЎзР ФА Тарих институти

**Кебадзе Мадонна**  
доктор исторических наук, Телавский  
государственный университет, Грузия

**Аширов Адхам Азимбаевич**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
ЎзР ФА Тарих институти

**Бурдиашвили Майя**  
доктор исторических наук, Телавский  
государственный университет, Грузия

**Агзамова Гулчехра Азизовна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
ЎзР ФА Тарих институти

**Кожакеева Ляззат Темировна**  
тарих фанлари доктори, доцент,  
Хотин-қизлар давлат педагогика  
университети, Қозоғистон

**Ульжаева Шохистахон Мамажоновна**  
тарих фанлари доктори,  
Тошкент кимё - технология институти

**Бабаджанова Нодира Абдуллаевна**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон давлат жаҳон  
тиллари университети

**Рахмонкулова Зумрад Бойхуразовна**  
тарих фанлари номзоди, доцент  
Ўзбекистон Миллий университети

**Гофоров Шокир Сафарович**  
тарих фанлари доктори, профессор  
Самарқанд давлат тиббиёт институти

**Эргашева Юлдуз Алимовна**  
Тарих фанлари доктори, профессор,  
Қариш муҳандислик-иқтисодиёт  
институти

**Теймураз Ахалмосулишвили**  
профессор, Телавский государственный  
университет, Грузия

**Халикова Рахбар Эргашевна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Тошкент давлат техника университети

**Кобзева Ольга Петровна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Ишанходжаева Замира Райимовна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Абдуллаева Яхшибека Атамуратовна**  
тарих фанлари доктори, доцент  
Нукус давлат педагогика институти

**Мустафаева Нодира Абдуллаевна**  
тарих фанлари доктори  
Ўзбекистон Республикаси  
Фанлар академияси

**Одилов Аброр Анварович**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Ерметов Аваз Абдуллаевич**  
тарих фанлари доктори, доцент,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Саипова Камола Давляталиевна**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Джоробекова Айнуэр Эшимбековна**  
тарих фанлари номзоди, профессор,  
Тошқи ишлар вазирлиги қошидаги  
Дипломатия академияси,  
Қозоғистон Республикаси

**Ковалев Борис Николаевич**  
тарих фанлари доктори, профессор  
Россия ФА, Санкт-Петербург  
Тарих институти

**Ауанасова Алима Мусировна**  
тарих фанлари доктори, профессор  
Давлат тарихи институти, Қозоғистон

**Бегалинова Калимаш Капсамаровна**  
фалсафа фанлари доктори, профессор  
Ал-Фаробий номидаги Қозоғистон  
Миллий университети, Қозоғистон

**Хайдаров Муродилла Махмуталиевич**  
тарих фанлари доктори, профессор  
Ўзбекистон миллий университети

**Алиева Лале**  
тарих фанлари доктори,  
Озарбайжон Давлат университети

**Исмаилова Алмаз**  
тарих фанлари доктори,  
Догистон мустақил университети

**Талапов Бахриддин Алижанович**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Наманган давлат университети

**Захидова Саховат**  
тарих фанлари номзоди, доцент  
Ўзбекистон Миллий университети

**Халмуратов Бахтиёр Режавалиевич**  
тарих фанлари бўйича  
фалсафа доктори, доцент  
Наманган давлат университети

**Махкамов Қодиржон Одилжонович**  
PhD, доцент в.б.  
Наманган давлат университети

Page Maker | Верстка | Саҳифаловчи: Хуршид Мирзахмедов

**Контакт редакций журналов. [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)**  
ООО Tadqiqot город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Тел: (+998-94) 404-0000

**Editorial staff of the journals of [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)**  
Tadqiqot LLC the city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Phone: (+998-94) 404-0000

## МУНДАРИЖА / СОДЕРЖАНИЕ / CONTENT


<b>1. Равшан Ҳалимович Акбаров</b> ТУРКИСТОНДА БУТУНРОССИЯ ТАЪСИС МАЖЛИСИГА САЙЛОВЛАРНИНГ ТАШКИЛ ЭТИЛИШИ (ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ МИСОЛИДА).....	4
<b>2. Улуғбек Қўчқорович Исмоилов</b> ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАР ВА ХАЛҚИМИЗНИНГ ДИНИЙ БАҒРИКЕНГЛИГИ.....	11
<b>3. Salamat Mamanuli Ktaybekov</b> LIU ZHI JUANNING "IPAK TARIXI" ASARIGA TARIXIY NIGOH.....	19
<b>4. Saidamirxon Mahmudov</b> ZAMONAVIY TARAQQIYOTNING YANGI BOSQICHIDA KOREYA-O'ZBEKISTON HAMKORLIGINING ISTIQBOLLARI.....	24
<b>5. Orifxo'ja Odilovich Mo'minov</b> ARXELOGIYADA QADIMGI HUDUDLAR LANDSHAFTLARINI TUZISHDA GATNING O'RNI.....	31
<b>6. Орифа Зулфикоровна Норова</b> МАМЛАКАТИМИЗ АҲОЛИСИНИНГ МУЗЕЙШУНОСЛИК МАДАНИЯТИНИ ОШИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ.....	38
<b>7. Жаҳонгир Давлатович Остонов</b> БУХОРО ИНҚИЛОБИ ЁХУД КОММУНИСТИК ИНТЕРВЕНЦИЯ? БУХОРО ВОҚЕАЛАРИГА ЯНГИЧА ҚАРАШ.....	44
<b>8. Мархабо Давлатовна Пардаева</b> ЖАҲОЛАТГА ҚАРШИ МАЪРИФАТ БИЛАН КУРАШИШДА МУТАФАККИР ЖАДИДЛАР ҚАРАШЛАРИНИНГ ЎРНИ.....	51
<b>9. Рустамжон Султонмуродович Солиев</b> ВАТАН ВА ХАЛҚ МАНФААТИ ЙЎЛИДА.....	58
<b>10. Юлдуз Бобокуловна Турсунова</b> ЎРТА ОСИЁ ВА ҚОЗОҒИСТОН МУСУЛМОНЛАР ДИНИЙ ИДОРАСИ ТАРКИБИНИНГ АРХИВ ҲУЖЖАТЛАРИДА АКС ЭТИШИ.....	62
<b>11. Санъат Ҳайитбоевич Хўжамов</b> ТОШКЕНТДАН ТОПИЛГАН ЯНГИ КУФИЙ ДИРҲАМ ТАНГАЛАР.....	69
<b>12. Наргиза Ғаниевна Қаландарова</b> БУХОРО ШАҲРИ АРХИТЕКТУРА ОБИДАЛАРИНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИГИ.....	75

# ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

Жаҳонгир Давлатович Остонов,  
Daryo.uz нашри колумнисти,  
E-mail: ostonovj@gmail.com

## БУХОРО ИНҚИЛОБИ ЁХУД КОММУНИСТИК ИНТЕРВЕНЦИЯ? БУХОРО ВОҚЕАЛАРИГА ЯНГИЧА ҚАРАШ

**For citation:** Jahongir D. Ostonov, BUKHARA REVOLUTION OR COMMUNIST INTERVENTION? NEW LOOK AT EVENTS IN BUKHARA. Look to the past. 2020, vol. 10, issue 3, pp.44-50

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2020-10-7>

### АННОТАЦИЯ

Бундан юз йил олдин, 1920 йил 2 сентябрь куни Бухоро амирлигининг пойтахти Бухоро шаҳрини бомбардимон қилиш орқали совет аскарлари томонидан эгалланди. Бугунги мақолада 1917-1920 йилларда юз берган Бухоро амирлигининг тугатилиши жараёнин таҳлил қиламиз. Мақолада Бухоро воқеаларига ноанъанавий тарзда ёндашилган бўлиб, замонавий тарихчиларнинг қарашлари, ўша воқеалар ҳақидаги мавжуд архивларда сақланаётган очик манбалардаги хотиралар ва бошқа маълумотлар билан тўлдирилган.

**Кали тсўзлар:** Бухоро, Олимхон, Фрунзе, Файзулла Хўжаев, «инқилоб», ишғол, амир

Джаҳонгир Давлатович Остонов,  
Колумнист издания Daryo.uz,  
Почта: ostonovj@gmail.com

## БУХАРСКАЯ РЕВОЛЮЦИЯ ИЛИ КОММУНИСТИЧЕСКОЕ ВМЕШАТЕЛЬСТВО? НОВЫЙ ВЗГЛЯД НА СОБЫТИЯ В БУХАРЕ

### АННОТАЦИЯ

Сто лет назад, 2 сентября 1920 года, столица Бухарского эмирата была захвачена советскими войсками при бомбардировке Бухары. В сегодняшней статье мы проанализируем процесс ликвидации Бухарского эмирата в 1917-1920 годах. В статье использован нестандартный подход к событиям в Бухаре, наполнены взглядами современных историков, открытыми воспоминаниями о тех событиях в существующих архивах и другой информацией.

**Ключевые слова:** Бухара, Олимхон, Фрунзе, Файзулла Ходжаев, «революция», оккупация, эмир.

**Jahongir D. Ostonov**  
Columnist for Daryo.uz,  
Mail: ostonovj@gmail.com

## BUKHARA REVOLUTION OR COMMUNIST INTERVENTION? NEW LOOK AT EVENTS IN BUKHARA

### ABSTRACT

A hundred years ago, on September 2, 1920, the capital of the Bukhara Emirate was conquered by Soviet troops during the bombing of Bukhara. In this article we will analyze the process of the liquidation of the Bukhara Emirate in 1917-1920. The article uses a non-standard approach to the events in Bukhara, filled with the views of modern historians, memories of those events given in open sources in existing archives, and other information.

**Index Terms:** Bukhara, Olimkhon, Frunze, Faizulla Khodjaev, "revolution", occupation, emir.

### 1. Долзарблиги:

XVI асрда ташкил топган Бухоро давлати ўз тарихида уч сулолани алмаштирди. Дастлаб Шайбонийлар, кейин Аштархонийлар, сўнггида эса Манғитлар Бухорода ҳукмронлик қилдилар. XIII асрдан буён анъанага айланган хонлик бошқаруви XVIII асргача давом этди. Маълумки, Ўрта Осиёни бошқарган хонларнинг барчаси Чингизхон авлодларидан бўлган ва легитим ҳокимият айнан чингизийларга берилиши лозим бўлган. Бундан бошқасини қабул қилишни тасаввур қилишмаган. Бу тизим Амир Темур ва темурийлар даврида ҳам сақланган. Тахтда Чингизхон авлодидан бўлган қўғирчоқ хон ўтқазилиб, унинг ўрнидан амирлар бошқарган. Бухоро хонлигида эса Шайбонийлар ва Аштархонийлар чингизий бўлганлиги учун тахтда ўзлари ўтирган.

XVIII аср ўрталарида эса Нодиршоҳ боқинидан кейин Аштархонийлар заифлашиб қолди. Шу вазиятда манғитлар давлат ишларида юқори лавозимларга эга эди. Улардан энг йириги Муҳаммад Раҳимбий оталиқ унвонига эга эди. Айнан унинг авлодлари навбатдаги сулолага асос солдилар. Дастлабки манғитлар чингизий бўлмаганликлари сабабида, тахтга хон сифатида ўтира олмас эдилар. Шу сабаб улар ҳам сохта хонларни тахтга ўтқиздилар. Бу анъанага Амир Шоҳмурод нукта қўйди ва ўзини Амир деб эълон қилди. Шу тариқа Бухоро хонлиги амирлик деб атала бошланди.

Бухоронинг манғит амирларининг энг йириклари Шоҳмурод (1785-1800 йиллар), Амир Ҳайдар (1800-1826 йиллар) ва Амир Насруллоҳлар (1827-1860 йиллар) эди.

Россия империясининг Марказий Осиё давлатларини эгаллаш мақсадида қилган юришлари натижасида Бухоро амирлиги ҳам хавф остида қолди. 1868 йилги Зира булоқ жангидан кейин, амирлик амалда Россияга қарам давлатга айланди. 1873 йилги Шаҳрисабз шартномасига мувофиқ Бухоро амирлиги расман Россия империясининг протекторатига айланди. Бу пайтда тахтда Амир Музаффар ўтирган эди. Бир неча бор қўлдан кетган ҳудудларни қайтариб олиш мақсадида Россияга элчилар юборди. [1] Аммо, у ва ундан кейинг амир Абдулаҳадхон даврида ҳам Бухоро Россия империяси вассал сифатида қолди.

XX аср бошларига келиб Россиянинг аввалги кудрати заифлаша борди. Биринчи жаҳон урушидаги оғир талафотлар империяни янада заифлаштирди. Айни шу даврда Россияда янги бир куч, янги бир ғоя майдонга кела бошлади. Бу коммунизм ғояси эди.

Россия империясида 1917 йилда юз берган февраль инқилобидан кейин, Бухоро амири Олимхон зудлик билан мустақилликни эълон қилди.[2] Бухоро яна мустақил давлат сифатида 3 йил яшади. Россиядаги Муваққат ҳукумат Бухоро мустақиллигини тан олди. Октябрь инқилоби ортидан Совет ҳукумати ҳам Бухоро мустақиллигини тан олди. Россиялик тарихчи Сергей Кузминнинг таъкидлашича коммунистларнинг бундай қадам ташлашига сабаб улар коммунистик инқилобларни экспорт қилишни мақсад қилишганида.[3]

Бунинг учун улар дастлаб дўстона алоқа ўрнатга давлатларида коммунистик ғояларни тарқатиш мақсадида коммунистик ёки коммунизмга лоял бўлган партиялар ва

гуруҳлар туздилар. Кейин эса ушбу партиялар ва гуруҳлар ёрдамида ҳокимиятни кўлга олишга ҳаракат қилдилар. Худди, Бухоро ва Хивада бўлгани сингари. Қизил армия эса “ўз бурчини” бажариш учун «ёрдам»га ошиқди. Натижада ҳокимият большевиклар томонидан бошқариладиган мазкур партиялар кўлига ўтган.

Бухоро мустақиллиги йилларида айнан қандай воқеалар юз бергани тўғрисида объектив фикр билдириш учун икки томон манбалари ҳам ўрганилиши керак бўлади. Аммо, асосий сақланиб қолган манбалар табиийки, ғолиб тарафнинг манбалари ва хотираларидир. Собик иттифоқ даврида кўплаб архив ҳужжатлари мафкуравий ёт деб топилгани сабабли йўқ қилиб юборилган. Шунинг учун, маҳаллий ҳужжатларнинг етишмаслиги муаммоси пайдо бўлган.

## **2. Методлар ва ўрганилганлик даражаси:**

Аксарият совет муаллифлари Бухоро воқеаларини ёритишда коммунизм мафкурасига мос бўлган маълумотларни берадилар. Яъни Бухорода халқ инқилоб қилган ва «ёвуз» амирни тахтдан кулатган. Совет Россияси эса фақатгина «ёрдам» берган. Ушбу схема бутун советлар эгаллаган республикалар учун ишлаган. Ҳатто, Бухорони бомбардимон қилган Михаил Фрунзе ҳам ўз хотираларида Бухорога ҳужумни “Бухоро халқига қуролли ёрдам” сифатида талқин қилган. Ушбу «афсона» га кўра, Қизил Армиянинг вазифаси фақатгина “Бухоро халқига Бухоро тузумининг зулмига қарши курашда биродарлик инқилобий ёрдам бериш” эди. Совет даврида бутун академик доираларда, илмий мақолаларда ушбу қараш илгари сурилган.

Хўш Бухорода ҳақиқатда халқ инқилоби бўлганми? АҚШлик тарихчи, антрополог Адиб Холид бу ҳақида шундай дейди: “Бухорода амирнинг кулатилишида ва совет ҳокимиятининг ўрнатилишида Бухороликлар иштирок этган. Аммо, шуни қатъият билан айтиш лозимки, Бухорода ҳеч қандай халқ кўғалони ва инқилоб бўлмаган”. [4]

Сергей Кузмин эса Бухоро воқеалари, шунингдек Хива воқеаларида ҳам худди шундай фикрни илгари сурган. Яъни, Хивада ҳам Бухорода ҳам халқ инқилоби юз бермаган, балки халқаро коммунистик интервенция содир бўлган. [5] Буни оддий тилда айтадиган бўлсак, коммунистик босқинчилик уруши.

Шунингдек, XX аср мобайнида ғарб тарихчилари ҳам ушбу воқеаларни ташқи интервенция сифатида баҳолаб келганини ва бу СССР тарихчилари томонидан «уйдурма», фалсификация” дея баҳоланганини Фарҳод Қосимов ва Баҳодир Эргашевлар ўз мақолаларида қайд этиб ўтганлар. [6]

## **3. Тадқиқот натижалари:**

XIX аср охири XX аср бошида Ўрта Осиёда жадиличлик деб номланган маърифатпарварлик ҳаракати вужудга келди. Манбаларда айнан ушбу ҳаракат баъзасида Бухорода “Ёш бухороликлар” гуруҳи тузилди. Ушбу гуруҳ ўша пайтларда бутун дунёда пайдо бўлаётган шунга ўхшаш ёшлар гуруҳларидан бири эди. Жумладан, Усмонлидаги Ёш турклар ушбу ҳаракатнинг илҳомлантирувчи кучи бўлиб хизмат қилган. С.В Чиркиннинг эсдаликларига кўра, Ёш бухороликлар аъзолари асосан савдо ишлари билан хорижга чиқиб келган ёшлардан иборат эди. [7] Улар ўзлари кўрган хориждаги ривожланиш, тараққиётни Бухорода ҳам қуришни истадилар.

Асосан, сиёсий мақсадлар учун ташкил топган мазкур гуруҳ аъзолари 200тага ҳам етмагани айтилсада, ҳаракатнинг лидерларидан бири бўлган Файзулла Хўжаев унинг аъзоларини кўпчилик деб ёзиб қолдирган. [8] Ҳаракат ўзининг мавжудлигини 1917-1918 йилларда маълум қилган. Унинг ўша пайтдаги лидери Бухоронинг йирик бойларидан бўлган Мирзо Муҳиддин Мансуров эди. Февраль инқилобидан кейин партия таркиби қайта шакллантирилди. Ёш Бухороликлар ҳамда Россиянинг босими остида қолган Амир Олимхон 1917 йилнинг 7 апрель куни ислохотлар ўтказиш ҳақидаги фармони олийни эълон қилди. Амир фармонида нуфузли кишилардан иборат мажлис тузиш, давлат хазинасини таъсис этиш ва мамлакат бюджетини белгилаш, пойтахтда босмаҳона очиш, саноат ва савдони ривожлантириш, солиқларни тартибга солиш, амалдорлар устидан назорат ўрнатиш ва уларга мўяна тўлаш кабилар тилга олинган эди.

Аммо, халқ Ёш бухороликларни истамади ва уларни халқ қўлига топширишни талаб қилиб намоишга чиқди. Натижада, Амир 14 апрель куни фармонни бекор қилди ва Ёш бухороликлар партияси аъзолари Бухоро шаҳрини тарк этиб, Янги Бухоро (Когон)га кетди. Партия таркиби қайта ташкил этилди натижада, партиядо бўлиниш юз берди. Партия асосан ўнглاردан иборат бўлиб қолди ва улар тинчлик йўли билан амирга етиб боришни, бунинг учун Россия воситачилигидан фойдаланишни маъқул кўрдилар. Лидер Муҳиддин Мансуров ҳам фақат тинч йўл тарафдори эди. Улар амир ҳокимиятини сақлаган ҳолда ислохотларга эришишни мақсад қилган эдилар.

Иккинчи гуруҳ тарафдорлари бу йўлни маъқулламадилар ва улар фақатгина қуролли йўл билан амир ҳокимиятини ағдариб ташлаш ва Бухорода республика тузишни ёқлаб чиқдилар. Бунинг учун партияни махфий равишда қуроллантириш таклифини илгари сурдилар. Бу фикр тарафдорлари Файзулла Хўжаев, Абдуқодир Муҳитдиновлар эди.

Амир билан учрашишга бўлган уринишлар халқнинг қаттиқ қаршилигига учради. Ёш Бухороликлар эса Янги Бухородан ҳам чиқиб кетиб, Туркистон ўлкасига қараб йўл олдилар. У ерда Ёш Бухороликларнинг Туркистон бўлимини очдилар. 1918 йил сентябрь ойига келиб, Ёш Бухороликлар партияси коммунистик партия деб эълон қилинди.

Совет Россиясининг Бухорони эгаллашга бўлган илк уриниши 1918 йилда юз берди. 1917 йилги октябрь инқилоби ва Туркистон мухториятининг қонга ботирилиши ортидан Россия ва Бухоро муносабатлари совуқлашди. Туркистон ХКС раиси бўлган Колесов 1918 йил февралнинг охирида Қўқон шаҳрида Ёш Бухороликлар лидерлари билан учрашди ва уларга амир ҳокимиятини ағдариб ташлаш учун «ёрдам»ини таклиф қилди. Колесовга қўшилиш мақсадида раҳбари Файзулла Хўжаев ўлароқ 7 кишидан иборат «инқилобий» кўмита тузилди. Шундай қилиб, 1918 йил 1 март куни Колесов армияси Бухоро остонларига етиб келди. Аммо, қутилганидек, Бухоро халқи Ёш бухороликлар бошлаб келган Колесов армиясини қўллаб-қувватламади, аксинча уларга душман сифатида қаради ва амирга ёрдамга ошиқди. Натижада, Колесов юриши муваффақиятсиз яқунланди. Колесов ўз хотираларида шундай деган эди: “Халқларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқида туриб, биз ёш бухороликларнинг қарашларини Бухоро халқининг аксарияти қўллаб-қувватлашини кутган эдик. Урушнинг ҳозирги ҳолати шуни кўрсатадики, ёш бухороликларни қўллайдиган кенг омма умуман йўқ, халқ улар билан бирга эмас. Биз ҳарбий ҳаракатларни тўхтатишни эълон қиламиз”. [9]

Шундан, кейин амир Россияга қарши муқаррар урушга ҳозирлана бошлади. 1920 йилнинг август ойининг бошларида амир мамлакатдаги қўшинларни тайёргарликдан ўтказишни бошлаб юборди. Ҳал қилувчи жанглер олдида амир қўшинлари икки жойда тўпланди. Асосий доимий қўшин Бухоро шаҳри ва унинг атрофидан ўрин олган бўлса, бекликлар қўшинлари Шаҳрисабз ва Китобда Тахтақорача доволанини тўсиб турдилар. Айнан, шу ердан мамлакат ичкарасига Самарқанддан энг яқин йўл бор эди.

Совет ҳукуматида, хусусан Туркистон fronti қўмондони Михаил Фрунзеда Бухорони ҳарбий куч билан эгаллаш истаги жуда кучли эди. Совет давлатининг Бухородаги вакили А.Е.Акселрод Бухорога қуролли ҳужум тўғри йўл эмаслигини айтган эди. Армияни муаммосиз енгил мумкин, аммо 2,5 миллионлик тоғ аҳолисини бир ёқлик қилиш қийинлигидан огоҳлантирди. [10] Аммо, Туркистондаги Совет ҳукумати бунга бошқача кўз билан қарар эди. Айниқса, Туркфронт қўмондони Михаил Фрунзе Бухорода халқнинг кўтарилишини йиллаб кутиш кераклигини айтиб, қуролли ҳужум билан Бухоро масаласини ҳал қилишни таклиф қилди. У 1920 йил ёз бўйи мазкур масала бўйича политбюродан рухсат сўради ва бунга эришди. Қизил армия урушга кириши учун у Ёш бухороликлардан фойдаланишни мақсад қилди ва уларни ўзига қўшилишга чақирди. Амирга муҳолиф бўлган ёш бухороликлар унга қўшилдилар. Бу орқали Фрунзе ўзининг Бухорога юришини «инқилобчилар»га ёрдам бериш баҳонаси ила оқлашни мақсад қилди.

Шундай қилиб, ҳарбий операциялар 1920 йилнинг 28 августдан 29 августга ўтар кечаси Чоржўйда бошланди. Беш кун давомида қизил армия бир нечта нуқтада уруш қилиб мамлакат худудларини эгаллаб олди. Эски Бухорога ҳужум 29 август куни бошланди ва 2

сентябргача давом этди. Шаҳар қаттиқ мудофаа қилинди. Амир Олимхон Қизил армиянинг кутилмаган хужуми сабабли ҳимояни яхши ташкил қила олмади. Зотан, Совет аэропланларига қарши тура оладиган воситаларга эга эмас эди. Бухоро шаҳри самолётлардан бомбардимон қилинди. Шаҳарга 12 мингта снаряд отилди. Шунингдек, Қизил армия томонидан кимёвий қуроллар ҳам ишлатилди. Бу ҳақда Москва вакили Машитский ўз хотираларида ёзиб қолдирган. Бундай маълумотларни Александр Гениснинг ҳужжатли материаллар асосида ёзилган “Бухорони бир ёқлик қилиш керак” китобида учратиш мумкин: “Инқилоб ҳеч қандай тайёргарликсиз экани аён бўлди ва у Қизил армиянинг хужумига айланди. Яшириб ўтиришнинг ҳожати йўқки, у Бухоро халқининг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳақидаги ҳуқуқини поймол қилди ва Бухоро босиб олинган ҳудудга айланди. Бухорога бир неча миллионта ўқ, кўпчилик қисми кимёвий бўлган бир неча мингта снарядлар отилди. Артиллерия ва пиёдаларнинг отишмаларининг кучи шу қадар катта эдики, Бухоро аскарларини инқилоб томонига ўтказиш имконияти ўз-ўзидан йўқолди. Бухоро марказ ва вокзалга олиб борадиган унга туташ ҳудудларда бутунлай вайрон этилди. Тарихий обидалар вайрон қилинди. Масжидлар вайрон этилиб, қолганлари ( $\frac{2}{3}$  қисми) казарма ва отхоналарга айлантирилди. Бошланган ёнғинлар ва талончилик нафақат омманинг кайфиятига, балки Бухкомга (инқилобнинг энг содиқ ўртоқлари) ҳам салбий таъсир қилди, уларнинг жаҳли чиқиб ва очикчасига “большевиклар Бухорони талашмоқда” деб айтишди”. [11]

Бухорога қилинган хужум катта ёнғин келтириб чиқарди ва 6 сентябргача Бухоро олов ичида қолди. Воқеа гувоҳларининг сўзларига кўра, Бухорога хужум натижасида шаҳарда 1000 та дўкон, 20 та сарой, 29 та масжид, 3 мингта аҳоли уйлари вайрон этилди. Арк ва унинг атрофидаги 300та бино жиддий талафот кўрди. Балжувонийнинг ёзишича, Бухоро ўз тарихида бундай вайронагарчиликни кўрмаган эди. [12]

Амир эса 31 август куни 1000 кишилик гуруҳ билан оила аъзоларини олиб Бухородан чиқиб кетди. Дастлаб Ғиждувон, кейинчалик Шарқий Бухоро (Тожикистон), ундан кейин эса Афғонистонга амир Омонуллахон ҳузурига кетишга мажбур бўлди. Шундай қилиб, XVI асрда ташкил топган Бухоро давлатида монархия ағдарилди. Аммо, Амир Олимхон Бухоро мужоҳидларини қўллаб-қувватлаб турди. Дастлаб, Шарқий Бухородан, кейинчалик эса Афғонистондан туриб уларни Совет ҳокимиятига қарши курашга даъват этиб келди.

Амир ҳокимияти ўрнида 6 сентябрь куни, баъзи манбаларда 8 октябрь куни Бухоро Халқ Совет Республикаси тузилди. Совет Россияси уни мустақил давлат сифатида эълон қилган бўлсада, ортидан В.В Куйбишев РСФСР вакили сифатида юборилди ва партия ишлари унинг қўл остида амалга оширилди. Бу эса амалда, Бухоронинг Совет Россиясига қарамлигини англатар эди.

Бухородан айрилган Амир Олимхон 1929 йил “Бухоро халқининг ҳасрати тарихи” деб номланган китобини эълон қилди. Бу аслида Миллатлар Лигасига қилинган мурожаат эди ва амир бу орқали Бухорони қайтариб олишга умид қилган эди. У бир неча бор Европа давлатларига мурожаатлар йўллаб, совет ҳокимияти Бухорода ноқонуний ҳукуматга келганини исботлашга ҳаракат қилди. Олимхон ушбу мурожаатномасида совет давлати билан келишувга эришганини аммо, уларнинг келишувга хиёнат қилганини ва асл мақсадлари нима эканини куйидагича асослаб беради: “Бу урушдан сўнг Ленин ва Тротский томонидан большевикларнинг раиси сифатида Элиава ва Брайдо деган киши мухтор вазир бўлиб Бухорога келди. У киши бандайи ожиз билансўзлашиб, Бухоро мустақиллигини бутунлай менга бермоқчи бўлди, ҳамда ҳарбий қурол билан ёрдам беришга ваъда берди, ҳатто юз йил олдин Бухоро давлатига қарашли бўлган ерларни менга қайтариб бермоқчи ҳам бўлди. Шу билан бирга эллик минг милтиқ, беш юз тўп-пулемёт, эллик аэроплан, эллик миллион сўм тилло тўлашга ваъда берди. Совет давлати томонидан Акселрод деган киши Бухоро давлатига элчи қилиб тайин этилди, Афғонистон давлатига нисбатан дўстлик истехкомларини тузиб, Тошкентдан менга ўн битта ўқсиз тўп совға қилиб юборишди. Большевикларнинг муомалаларининг қандай эканлигини шу ўқсиз тўпдан билиб олдим. Бу ожиз банда большевиклар ва уларнинг элчилари муомалаларини келишувга мувофиқ иш

олиб бормаганликларини кўрганимдан сўнг хаёлимга бир фикр келди. Шу сабабдан мен аскар ва ҳарбий қуролларни тайёрлаш ишига kirishdim. Ikki йил ичида Бухоро ҳарбий аскарлар ва қурол-асалаҳалар тўплаб, қўшинларни урушга тайёр туриш даражасигача олиб келдим”.[13]

Шунингдек, Олимхон Большевиклар билан дастлаб уларнинг кучсиз пайтларида уришишга қарор қилганини, аммо Афғонистон элчиси Муҳаммад Валихоннинг таклифи билан бу фикрдан воз кечганлигини ҳам ёзиб ўтган.[14]

Аммо, ўша пайтдаги геосиёсий шароит туфайли унинг барча уринишлари зое кетди. Афғонистонда унинг ҳаракатлари чеклаб қўйилди. Иккинчи жаҳон уруши пайтида ҳам Олимхон Совет ҳокимиятига қарши курашга ҳаракат қилиб кўрди. Бироқ, бунинг уддасидан чиқа олмади. Умрининг охирида кўзлари ожиз бўлиб қолган Бухоронинг сўнги амири Олимхон 1944 йилда Кобулда вафот этди.

#### 4. Хулосалар:

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, Совет даврида Бухоро воқеаларига инқилоб тусини бериш коммунизм мафқурасини, унинг ғояларини ёйиш, ўзга давлатлар суверенитетига раҳна солиш ва Бухорони қуролли ҳужум билан эгалланганини ҳаспўшлаш мақсадида қилинган бир ҳаракат эди. Аммо, биз келтирган фактлар, тарихчиларнинг фикрлари, ўша пайтдаги совет мулозимларининг ва ҳарбий кўмондонларнинг гувоҳликлари Бухоро воқеалари бутунлай бошқача эканлигини исботлашга етарли асос бўлиб хизмат қилади деб ўйлаймиз.

Бухоро воқеаларини совет мафқурасига мос тарзда одамлар онгига сингидириш мақсадида амирларни ёмон отлик қилиш кампаниялари уюштирилди. Бунинг учун ҳар турли усуллардан фойдаланилди. Ҳатто, XIII асрда яшаган тасаввуф шайхларидан Хўжа Насриддинданда бу ишда фойдаландилар. Адабиёт, кино орқали халқни қадимги аждодларга нисбатан нафрат туйғулари билан суғордилар. Бухоро воқеалари ҳақида эса 1955 йилда “Амирнинг қулаши” (Реж: Владимир Басов ва Латиф Файзиев), 1970 йилда “Қора консулнинг ўлими” (Реж: Комил Ёрматов) каби бадиий фильмлар ишланди.

#### Иқтибослар/ Сноски/References:

- [1] «Мудҳиш юбилей. 152 йил олдин Россия империяси Самарқандни қўшиб олган эди», Жаҳонгир Остонов; Daryo.uz сайти, 04.05.2020, ҳавола: <https://daryo.uz/2020/05/04/mudhish-yubiley-152-yil-oldin-rossiya-imperiyasi-samarqandni-qoshib-olgan-edi/> (“Terrible anniversary. 152 years ago, the Russian Empire annexed Samarkand, ”Jahongir Ostonov; Daryo.uz website, 04.05.2020 // <https://daryo.uz/2020/05/04/mudhish-yubiley-152-yil-oldin-rossiya-imperiyasi-samarqandni-qoshib-olgan-edi/> )
- [2] Адиб Холид, «Бухородаги «Инқилоб»нинг юз йиллиги, 03.09.2020, ҳавола: <https://knews.kg/2020/09/03/adib-halid-sto-let-revoluyutsii-v-buhare/> (Adeeb Khalid, Centennial of the Revolution in Bukhara, September 3, 2020 // <https://knews.kg/2020/09/03/adib-halid-sto-let-revoluyutsii-v-buhare/> )
- [3] «Қизил байроқли ишғол», Fergana.ru сайтига интервью, Сергей Кузмин, 14.02.2020, ҳавола: <https://fergana.ru/articles/114949/> (“Occupation with the Red Banner”, interview with Fergana.ru, Sergei Kuzmin, February 14, 2020 // <https://fergana.ru/articles/114949/> )
- [4] Адиб Холид, «Бухородаги « Инқилоб »нинг юз йиллиги, 03.09.2020, ҳавола: <https://knews.kg/2020/09/03/adib-halid-sto-let-revoluyutsii-v-buhare/> (Adeeb Khalid, Centennial of the Revolution in Bukhara, September 3, 2020 // <https://knews.kg/2020/09/03/adib-halid-sto-let-revoluyutsii-v-buhare/> )
- [5] «Қизил байроқли ишғол», Fergana.ru сайтига интервью, Сергей Кузмин, 14.02.2020, ҳавола : <https://fergana.ru/articles/114949/> (“Occupation with the Red Banner”, interview with Fergana.ru, Sergei Kuzmin, February 14, 2020 // <https://fergana.ru/articles/114949/> )

- [6] Касымов Ф., Эргашев Б. Бухарская революция Дорогу выбрал курултай // <http://saint-juste.narod.ru/Srazia.html> (Farhad Kasymov, Bahodir Ergashev. Bukhara revolution. The road was chosen by the kurultai // <http://saint-juste.narod.ru/Srazia.html>)
- [7] <https://ru.wikipedia.org/wiki/Младобухарцы> Young Bukharians // <https://ru.wikipedia.org/wiki/Младобухарцы>
- [8] Хўжаев Ф. Уч жилдли танланган асарлар. (А. А. Агзамхўжаев ва бошқалар тахрири остида) Т. И. – Тошкент: «ФАН», 1970. –Б. 87-89 (FayzullaKhojaev. Selected works in three volumes. (Edited by A. A. Agzamkhodjaev and others) T. I. – Tashkent: «FAN», 1970. –P. 87-89 )
- [9] Касымов Ф., Эргашев Б. Бухарская революция Дорогу выбрал курултай // <http://saint-juste.narod.ru/Srazia.html> (Farhad Kasymov, Bahodir Ergashev. Bukhara revolution. The road was chosen by the kurultai // <http://saint-juste.narod.ru/Srazia.html> )
- [10] Генис В.Л. Разгром Бухарского эмирата в 1920 году // Вопросы истории, 1993, № 7. С. 39-53 Хавола : <http://istorja.ru/articles.html/central-asia/genis-v-l-razgrom-buharskogo-emirata-v-1920-godu-r396/>(Genis V.L. The defeat of the Bukhara Emirate in 1920 // Voprosy istorii, 1993, No. 7. P. 39-53 // <http://istorja.ru/articles.html/central-asia/genis-v-l-razgrom-buharskogo-emirata-v-1920-godu-r396/>)
- [11] Генис В.Л. Разгром Бухарского эмирата в 1920 году // <http://istorja.ru/articles.html/central-asia/genis-v-l-razgrom-buharskogo-emirata-v-1920-godu-r396/#52>(Genis V.L. The defeat of the Bukhara Emirate in 1920 // Voprosy istorii, 1993, No. 7. P. 39-53 // <http://istorja.ru/articles.html/central-asia/genis-v-l-razgrom-buharskogo-emirata-v-1920-godu-r396/>)
- [12] Абдуллаев К. «Сўнги манғит Саййид Олимхонва Бухоро «инкилоби», 06.08.2017, хавола: <https://centrasia.org/news/A.php?st=1186413780>(Kamoluddin Abdullaev, The Last Mangit Sayyid Alimkhan and the Bukhara "Revolution", 06.08.2017 // <https://centrasia.org/news/A.php?st=1186413780> )
- [13] Амир Саййид Олимхон: “Бухоро халқининг ҳасрати тарихи”.–Тошкент: «Фан», 1991, 8б.(Amir Sayyid Alimkhan: “History of grief of the people of Bukhara”, Tashkent, “FAN”, 1991, 8p)
- [14] Амир Саййид Олимхон: “Бухоро халқининг ҳасрати тарихи”.–Тошкент: «Фан», 1991, 6б.(Amir Sayyid Alimkhan: “History of grief of the people of Bukhara”, Tashkent, “Science”, 1991, 6p)Фойдаланилган адабиётлар рўйхати)
- [15] [www.centralasia.org](http://www.centralasia.org)
- [16] [www.daryo.uz](http://www.daryo.uz)
- [17] [www.fergana.ru](http://www.fergana.ru)
- [18] [www.istorja.ru](http://www.istorja.ru)
- [19] [www.wikipedia.ru](http://www.wikipedia.ru)

**ЎТМИШГА НАЗАР**

**ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ**

**LOOK TO THE PAST**

**№10 (2020)**

**Editorial staff of the journals of [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)**  
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Phone: (+998-94) 404-0000

**Контакт редакций журналов. [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)**  
ООО Tadqiqot город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Тел: (+998-94) 404-0000